# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 6 (9.503) 2001 йил 15 январь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


# Ватан ҳимоячилари шарафланди



Мустақил Ўзбекистон Куролли Кучларининг тарихи 1992 йил 14 январдан бошланади. Ўшанда мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча қисмлар ва бўлинмалар, ҳарбий-ўқув муассасалари ва бошқа ҳарбий тузилмаларни Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1993 йил 29 декабрда эса 14 январни Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Ўшандан буён ушбу санани байрам сифатида нишонлаб келмоқдамиз.

Бу галги Ватан ҳимоячилари куни ҳам мамлакатимизда кенг нишонланди. 14 январь куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройи ўзгача тантанаворлик касб этди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тантанали йиғилиш ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу табригини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Ғуломов ўқиб эшиттирди.

Тантанали йиғилиш санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА, ИЧКИ ИШЛАР ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҲАМДА БОЖХОНА ҚЎМИТАЛАРИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимиз Куролли кучларининг жанговар тайёргарлигини ошириш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ҳимоя қилишдаги жасорати ва мардлиги, иқтисодий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги фидокорона хизматлари, халқ осойишталигини ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қўшаётган салмоқли ҳиссалари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ибрагимов Жўрабек Муталович** – Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармаси ҳарбий қисми отрядининг катта йўриқчиси

**Эргашев Исмаил** – Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округи қўшинлари қўмондони

### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдувалиев Тошмуҳаммад Норматович** – Тошкент вилояти Божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Абдумажидов Сарвар Турсунбаевич** – Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг катта мутахассиси

**Гордиенко Виктор Александрович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штабининг взвод командири ўринбосари

**Екабсонс Янис Арвидович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг отряд командири ўринбосари

**Жўраев Фарход Ёркинович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги бўлинма командири

**Зулимов Ильхом Нурумбекович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси 18-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг хизмат кўрсатиш гуруҳи старшинаси

**Лагутин Олег Вячеславович** – Давлат чераларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг отряд командири

**Салихбаев Анвар Сагитович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умаров Имомали Акбарович** – Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси отряд бошлиғининг ўринбосари, штаб бошлиғи

**Усаров Акбар Меликулович** – Мудофаа вазирлиги отрядининг катта мутахассиси

**Хаджиев Менглибой** – Сурхондарё вилояти Музрабод тумани ички ишлар бўлими участка инспектори

**Хажиметов Зафар Абдукодирович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хикматов Рустам Патхуллаевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Термиз чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

**Хусаинов Хайрулло Гулям-Мирзаевич** – Мудофаа вазирлиги гуруҳ командирининг ўринбосари

**Эрматов Олим Иминович** – Мудофаа вазирлигининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт гуруҳи командири

**Қосимов Вячеслав Темирович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Атамухамедов Вохид Боқижонович** (марҳум) – Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ички ишлар бошқармаси милиция таянч пункти инспектори

**Бекмуродов Салохиддин Элмуродович** (марҳум) – Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-ҳайдовчиси

**Бердимурадов Усман Юлдашевич** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Блинов Евгений Алексадрович** – Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт командири

**Боймирзаев Абдусаттор Эгамшукурович** – Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлими бошлиғи – бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Болташхужаев Амонхон Максумович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Шарқ» минтақавий штаби отрядининг командири

**Говорухин Валерий Алексеевич** (марҳум) – Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

**Гончаров Владимир Васильевич** – Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт бригадасининг катта учувчиси

**Дусматов Эргашали Мустафакулович** – Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг муҳандислик хизмати бошлиғи

**Жуманов Эргаш** – Сирдарё вилояти Божхона бошқармасининг «Сирдарё» божхона пости бошлиғи

**Жўраев Шоир Абдумуталович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Андижон чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

**Камалов Атабек Мадамбекович** – Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт бригадасининг катта учувчиси

**Каримов Рустам Собитович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каробаев Абдуманноб Сативолдиевич** (марҳум) – Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили

**Кенжаев Анвар Хайдарович** – Термиз ҳарбий прокурори

**Козлов Кирил Владимирович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳи отрядининг разведка-қидирув гуруҳи командири

**Мавлонов Ойбек Уринбоевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳи отрядининг фельдшери – катта разведкачиси

**Мирахмедов Аброржон Адхамович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошармаси отрядининг милиционер-кинологи

**Муминов Эркин Акмалович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухтаров Фарух Шахобиддитнович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нишонов Икбол Мамашарифович** – Чирчиқ танк қўмондон-муҳандислик олий билим юрти курсанти

**Нишонов Пўлатхўжа Эркинович** – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг отряди милиционери

**Оллоёров Рустам** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

*(Давоми 2-бетда).*

# Халқ фаровонлиги – олий мезон!

Инсоният тарихининг янги даврини бошлаб берган XXI аср, учинчи минг йилликка ўз келажагига қатъий ишонч ва шахдам одимлар билан кириб келган Ўзбекистон халқлари унинг дастлабки кунларини олисни кўзловчи нурли марраларни белгилаш, асрлар бўйи ардоқлаб келган орзу-умидларини амалда рўёбга чиқариш йўлида янги-янги ташаббуслар, шижоатли меҳнат билан нишонламоқдалар. Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси эндигина муваффақиятли старт олган республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Президент Ислом Каримовнинг шу мажлисдаги сермазмун, кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодий тараққиёти стратегиясини белгилаб берувчи маърузаси ҳозирда нафақат иқтисодиёт комплекси мутахассислари, балки бутун халқимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда, тегишли хулосалар чиқарилиб, истиқболнинг муҳим йўналишлари аниқлаб олинмоқда.

Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси материалларига бу қадар катта қизиқиш замирида теран маъно бор, албатта. Зеро, Юртбошимиз ўз маърузасида Мустақиллик йилларида амалга ошириб келинган иқтисодий ислоҳотлар натижаларини таҳлил этиб, бу соҳада ҳозирги вақтда олдимизда турган долзарб вазифаларни аниқ ва равшан ифодалаш билан бирга тараққиётнинг янги босқичининг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган бошқарув механизми ва услубларини кўрсатиб берди.

Ҳақиқатан ҳам кўп бор таъкидланаётганидек, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий потенциалини ривожлантиришда инкор этиб бўлмайдиган ютуқларга эришди. Лекин, айни пайтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, кечаги ғалабаларнинг ўзи билангина яшаб бўлмайди. Ўз халқини фаровонликнинг ёрқин уфқларига етакловчи ҳар қандай давлат шу каби ютуқларни мустаҳкамлаш, босиб ўтилган йўлни чуқур танқидий таҳлил этиб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда янги, олдингисидан шиддатлироқ олға ҳаракат қилиш йўлларини ишлаб чиқиб, оммани шу йўлдан бошлаб бориши керак. Кенгаш мажлиси айнан шу руҳда ўтганлиги билан кенг жамоатчилик эътиборини қозонди.

Масалан, Президентимиз мамлакатнинг жуда катта имкониятларини таъкидлаб, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини жадал ва изчил ривожлантириш келгуси ишларимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши зарурлигига эътиборни қаратди ва шу билан боғлиқ ҳолда иқтисодиёт мажмуи конкрет соҳалари олдидаги вазифаларга батафсил тўхталди.Бунда эътиборга молик муҳим жиҳат шундаки, эндиликда ҳар бир тармоқ фақат ўз доирасида, бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Барча соҳалар мамлакат иқтисодий тараққиёти стратегиясига бўйсундирилган ҳолда, ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда, макроиқтисодий тамойилларга, монетар сиёсатнинг муҳим қонуниятларига қатъий амал қилган ҳолда ривожлантирилиши керак.

**«Шу нуқтаи назардан қараганда, – дея таъкидлади Юртбошимиз ўз маърузасида, – барча банк ва молия тизимлари, истиқболни белгиловчи турли иқтисодий марказлар ва биринчи галда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, бутун Умумиқтисодиёт комплексининг фаолияти асосий макроиқтисодий мутаносибликлар ва параметрларни сақлаш ва бажаришга қаратилиши лозим. Уларнинг ўзаро мутаносиб бўлишига эришиш асосидагина барқарор ва изчил ривожланишни таъминлаш мумкин».**

Шу асосда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор ва стратегик йўналишларини аниқлаш уларни амалга оширишнинг узоқ истиқболга мўлжалланган режалари, эгалланадиган марраларни олдиндан белгилаш, макроиқтисодий мувозанатни кўзлаб иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти муносабатлари стихияли тарзда, ўз-ўзидан ривож топаверади, деб ўйлаш катта хатоликларга олиб бориши муқаррар. Фақат бу ишлар собиқ Иттифоқда ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик асосида марказдан режалаштириш йўли билан амалга оширилмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, мутлақо янги бозор институти ва тузилмаларига асосланиб, бошқарув усулларини шакллантириш, эҳтиёж ва таклифларнинг мутаносиблигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур эркинликларни кафолатлаш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва бошқа иқтисодий омиллар орқали мазкур стратегия рўёбга чиқарилади.

Кенгаш мажлисида шу муносабат билан Умумиқтисодиёт комплекси, иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи марказий идоралар, энг аввало, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг роли, энг муҳими, иш услуби тубдан ўзгариши кераклигига алоҳида урғу берилди. Бу борадаги конкрет вазифалар чуқур таҳлил этилиб, зарур тавсиялар берилди. Шу билан бирга иқтисодиёт соҳасидаги яқин келажакдаги устувор йўналишлар белгилаб олинди. Улар қуйидагилардан иборат:

– аввало, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш;

– иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш;

– кўпукладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш;

– ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириб бориш;

– бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган замонавий ва яхлит тузумни вужудга келтириш;

– демографик прогнозларни амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган изчил сиёсат юритиш, меҳнат бозорини шакллантириш;

– халқ моддий фаровонлигининг барқарор ва узлуксиз ўсишини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш.

Маълум бўлишича, юқоридаги устувор вазифаларни бажариш бўйича махсус тадбирлар Дастури тузилган бўлиб, у бутун Умумиқтисодиёт мажмуи амалий қўлланмасига айланиши керак. Ушбу Дастурнинг рўёбга чиқарилиши Мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамланиши, халқ фаровонлигини оширишда реал натижаларга эришилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг янги аср дастлабки йилларига мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб олинди. Уларни амалга ошириш учун курашда аҳоли барча қатламлари ва ижтимоий гуруҳлар вакиллари фаол иштирок этишларига шубҳа йўқ. Зеро, улар ҳар биримиз ва бутун халқимиз фаровонлигининг туб пойдеворини яратади. Шу маънода республикамиз журналистлари – кўп минг кишилик қалам аҳлининг қўйилган вазифаларни бажаришга қўшадиган ҳиссалари салмоқли бўлишини ҳам таъкидлаш ўринли.

Ҳа, ҳозиргача, Президентимиз таъкидлаганидек, биз журналистлар тақдиримизни ҳал қилувчи иқтисодиёт ва уни юксалтириш масалаларида чуқур таҳлилий, конструктив мақолалар, чиқишлар билан халқимизни кўп ҳам хурсанд этганимизча йўқ. Бизнингча, миллий матбуотимиз ҳам мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида чиниқиб, жамиятдаги ўз ўрни ва мавқеларини тобора кўпроқ ҳис этиб бормоқдалар. Ҳаёт ҳақиқатларини қаламга олишдаги фуқаролик фаоллиги кейинги пайтларда бирмунча аниқроқ кўзга ташланаётгани бунинг далилидир.

Ҳақиқатан ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиёти жараёнларида жўшқин қатнашиш, ҳар бир соҳа, ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш муаммолари, фуқаролар турли гуруҳлари, шу жумладан, журналистларимизнинг жамиятда эркин фикр, тафаккурни шакллантириш, демократик тамойилларнинг қарор топишига ва ривожланишига амалий ҳисса қўшиш вақти аллақачон етиб келган. Бу эса – ҳар биримизни аниқ ва мақсадли фаол ҳаракатга даъват этади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Мамлакатимиз парламентида Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузурида тузилган махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўтган шанба куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида раҳбар ходимларнинг семинари якунланди.

● «Қўқон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида жаҳон андозаларидаги ҳидсизлантириш ва қадоқлаш цехи ишга туширилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида шошилинч тиббий ёрдам маркази ишга туширилди.

● Миллий матбуот марказида «Чўлпон» нашриёти болалар учун чоп этган «Мен генерал бўламан» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт-соғломлаштириш мажмуида давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ташаббуси ва ҳомийлигида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимлари ўртасида мини-футбол беллашувлари ва оилавий мусобақалар ўтказилди.

### Жаҳонда

● **Бугун** Ҳиндистон Бош вазири Бихари Вишпаи расмий ташриф билан Деҳлига келган Хитой Халқ Мажлисининг раиси Ли Пэн билан учрашади.

● **Кеча** Португалияда Президент сайловлари бўлиб ўтди.

● Арманистон ташқи ишлар вазири В. Астанян Ереван Туркиянинг Арманистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш борасидаги режасини табриклашини айтди.

● **Бугун** НАТО Бош котиби Ж. Робертсоннинг Жанубий Кавказ мамлакатларига ташрифи бошланади. Дастлаб у Арманистонда тўхтаб ўтади. **Эртага** эса Шимолий Атлантика блокининг раҳбари Озарбайжонга йўл олади.

● Индонезия мудофаа вазири Муҳаммад Маҳфуд мамлакат ҳукумати билан «Ачех озодлиги» ҳаракати ўртасида Женевада бўлиб ўтган тинчлик музокаралари самарали якунланганлигини маълум қилди. Томонлар вақтинчалик ўқ отишни тўхтатиш борасида битимга эришди. Энди улар можарони сиёсий йўл билан ҳал қилиш чораларини кўради, деди вазир.

● Ўтган жума куни тунда Тбилиси аэропортида ушланган россиялик фуқаро И. Идигов озод қилинди. Грузия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вакиллари Россия Ички ишлар вазирлигидан ҳозирги пайтда И. Идигов Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қидирилаётганлар рўйхатида йўқлиги тўғрисидаги хабарни олдилар.

● 20 январда ўз лавозимидан кетадиган АҚШ Президенти Билл Клинтонга истеъфодан кейинги биринчи йили учун 161,2 минг доллар ҳажмида пул мукофоти ажратилди.

● Италияда очилган «Самарқанд жавоҳирлари» деб аталувчи кўргазмада 200 дан ортиқ заргарлик санъати намуналари намойиш этилмоқда. Ишбилармон ва йирик фирмаларнинг тадбиркорлари ушбу кўргазмага ўзига хос ёндашмоқдалар.

● Хитой пойтахтига келувчи хорижий сайёҳлар сони тобора кўпаймоқда. Пекинда ўтган йили 2,8 миллиондан ортиқ сайёҳ меҳмон бўлди. Бу 1999 йилдагидан қарийб 12 фоиз кўпдир. Даромад эса 2,77 миллиард АҚШ долларига етди.

● **Кеча** Монголиянинг «Миат» авиакомпаниясига қарашли вертолётнинг қулаб тушиши оқибатида 9 киши ҳалок бўлди ва 11 киши жароҳатланди.

● Марказий Америкада Рихтер ўлчови бўйича 7,6 балл куч билан кучли зилзила рўй берди. Дастлабки маълумотларга қараганда Сальвадорда 200 дан зиёд киши ҳалок бўлган, 350 киши жароҳатланган, 1200 га яқин киши бедарак йўқолган. Зилзила туфайли рўй берган кўчкилар юзлаб уйни босиб қолган. Гондурас ва Гватемалада ҳам вайронагарчиликлар рўй берди. Кучли ер силкиниши Мехикода ҳам сезилди.

● БМТнинг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ вакили Молдова болалар ўлимининг кўплиги жиҳатидан Европада энг олдинги ўринлардан бирини эгаллашини билдирди. Ушбу мамлакатда туғилаётган ҳар минг чақалоқдан ўн саккизтаси нобуд бўлмоқда.

● Испания олимлари янги асримизда инсоннинг бўйи ҳозиргидан 4-5 сантиметр баланд бўлиши, умр кўриш эса 100-200 ёш атрофида кечишини айтдилар.

● Миср полицияси Қоҳира аэропортида яширин йўл билан ғайритабиий юкни олиб ўтмоқчи бўлган словакиялик сайёҳни ҳибсга олди. Рентген ушбу юкнинг ғалати бир нарса эканлигини кўрсатди. Божхоначилар чамадонни очгандан сўнг унда тирик тимсоҳ ётганлигини аниқладилар.

● Испанияда яшовчи 35 ёшли Хосе Гонсалес исмли киши уч километр масофани 22 дақиқада босиб ўтди. Шу ҳам натижа бўлдими, бошқалар ундан ҳам тез югуради ва юрадику, деб айтарсиз. Ҳамма гап шундаки, Хосе Гонсалес бу масофани югуриб эмас, юриб ҳам эмас, балки умбалоқ ошиб босиб ўтди.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА



# Самарадорликка эришиш – муҳим омил

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга татбиқ этиш ва топонимик объектларга ном бериш комиссияси, Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича шаҳар мувофиқлаштириш комиссияси ҳамда Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштирувчи шаҳар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ушбу комиссиялар ва кенгаш аъзолари, туман ҳокимликларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, мутахассислар ҳамда тегишли ташкилот раҳбарлари қатнашган мазкур йиғилишда Юнусобод туман ҳокимлиги маҳкамасида давлат тилида иш олиб бориш жараёни кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича маъруза қилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Абдулаҳад Муҳаммаджонов туманда давлат тилини амалга татбиқ этиш борасида эътиборга молик ишлар қилинганлигини эътироф этиб, баъзи камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди.

Тилшунос олим Раҳимбой Жуманиёзов лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги Қонунни амалга татбиқ этиш жараёнида, шаҳар миқёсида бу ишларни мувофиқлаштириб турадиган марказ очиш лозимлиги тўғрисида таклиф киритди.

Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш ҳудудий кенгаши фаолиятига оид масала юзасидан шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказининг раиси Садир Салимов сўзга чиқиб, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари саҳифаларида маърифий ҳамда миллий истиқлол ғояси мавзуси ёритилишини таҳлил қилди. Ўзбекистон Миллий университетининг Журналистика факультети Радио ва телевидение кафедраси доценти Ирода Исроилова «Тошкент» телеканали фаолиятига тўхталиб, ушбу телеканал ранг-баранг мавзуларни ёритаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, «Пойтахт» ахборот кўрсатувининг ҳар бир сонида маданият ва маърифат масалалари қамраб олинаётганлигини маълум қилиб, студиянинг ижодий жамоаси томонидан маърифий ва мафкуравий мавзулар ёритилишини янада яхшилаш, тележурналистларнинг нутқ маданиятига, билим савиясига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича Идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2001 йилга мўлжалланган иш режасини амалга ошириш ҳамда пойтахтдаги мавжуд кабелли телевидениелар орқали ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни янада такомиллаштириш тўғрисида ёпиқ турдаги «Ўзбекистон кабелли телевидениеси» жамияти раисининг ўринбосари Баҳодир Соатовнинг ахбороти тингланди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.М. Эрназаров олиб борди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи.**

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА, ИЧКИ ИШЛАР ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҲАМДА БОЖХОНА ҚЎМИТАЛАРИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**Пошшокулов Хамдам Юсуфалиевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг отряд разведкачиси

**Пулатов Бахтиёр Адилович** (марҳум) – Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Раҳимов Ҳикмат Тошевич** – Мудофаа вазирлиги отрядининг мергани

**Рўзиев Мамашо** – Қашқадарё вилояти Косон тумани ички ишлар бўлими милиционер-ҳайдовчиси

**Саидаҳметов Икромжон Сотимбоевич** (марҳум) – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси 18-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг катта ўт ўчирувчиси

**Сергеев Сергей Николаевич** (марҳум) – Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг газэлектрпайвандчиси

**Солихонов Авазбек Жўрабекович** – Мудофаа вазирлиги миномёт секциясининг расчёт командири

**Тагаев Марат Пулатович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Туллаев Дилшод Бахшуллоевич** – Навоий шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

**Умаров Рахмат Нигматович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Термиз чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

**Ходжаев Алишер Абдукаримович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штаби Узун чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

**Ходжаев Мамат Ибрагимович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Худойбергенов Рузимбой Юлдашевич** – Хоразм вилояти Шовот тумани ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

**Шабанов Дмитрий Абдурасулович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳи отрядининг разведка-қидирув гуруҳи командири ўринбосари

**Эмираджиев Эрфан Диляверович** (марҳум) – Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг кичик инспектор-кинологи

**Яковлев Олег Эдуардович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қаҳҳоров Фарход Тахирович** – Чирчиқ танк қўмондон-муҳандислик олий билим юрти курсанти

**Қосимов Аваз Донаевич** – Жиззах вилояти божхона бошқармаси «Арнасой» божхона пости кичик инспектор-кинологи

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Апалеев Минехан Закиевич** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқа хизмати электромеханиги

**Блинов Алексей Сергеевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг чегарани қўриқлаш бўйича ҳамкорлик қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Гозиев Шоюнус Аюбжонович** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосари

**Зиядуллаев Фахритдин Нажмиддинович** – Мудофаа вазирлиги артиллерия бригадаси дивизионининг старшинаси

**Короткова Вера Михайловна** – Тошкент шаҳар прокуратураси бўлими катта прокурори

**Литвинов Сергей Иванович** – Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг моддий-техника таъминоти ротаси бирлашган устахонаси бошлиғи

**Махмудов Хамза Ҳасанович** – Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи

**Норматова Юлия Петровна** – Самарқанд вилояти Булунғур тумани ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар иши бўйича инспекцияси бошлиғи

**Нурмуродов Илҳомжон Эргашевич** – Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**Тешаев Илхом Баратович** – Бухоро вилояти Божхона бошқармасининг «Бухоро-2» божхона пости бошлиғи

**Узаков Шухрат Шарапович** – Шарқий ҳарбий округининг ҳарбий прокурори

**Хасанов Бахтияр Турабович** – Мудофаа вазирлиги автомобилларни таъмирлаш заводининг бошлиғи

**Холматов Нигмат** – Ички ишлар вазирлиги ташкилий-инспекторлик бошқармаси бўлимининг тезкор навбатчиси

**Юсупов Алишер Тўлқинович** – Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона вилояти кенгаши раиси

**Ватанимизнинг мудофаа кудратини ошириш, чегараларнинг дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини таъминлашдаги фидокорлиги, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

**Манапов Оримбай** – Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бошқармасининг ҳарбий прокурори

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Ходжаев Алик Хабибуллаевич** – Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, халқаро божхона ҳуқуқи бўлими бошлиғи

**Черкасов Фёдор Васильевич** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

**Супиходжаев Бобоходжа** – Мудофаа вазирлиги бош жарроҳи

**Юртимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги катта хизматлари учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:**

**Алашов Шайхали** – Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Аннагельдиев Рузикул Тураевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штаби Термиз алоҳида чегара назорати тезкор бўлими катта офицери

**Беккулов Сагдулла Бахронович** – Навоий ҳарбий суди раиси

**Дастенов Абат Реймович** – Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармасининг контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими бошлиғи

**Жўраев Саидобид Тўрахўжаевич** – Қарши ҳарбий прокурорининг ўринбосари

**Калибаев Ондасин Дарибаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими катта инспектори

**Маъмуров Сидикжон Абдурайимович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Минаваров Сабиржан Джураевич** – Давлат божхона қўмитаси Ўқув маркази бошлиғи

**Насиров Сабиджон Ильхамович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рамазанов Азамат Норбоевич** – Мудофаа вазирлиги артиллерия бригадаси тўпчи дивизионининг командири

**Рахмонов Искандар Рафиқович** – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси

**Сербин Виктор Николаевич** – Тошкент ҳарбий чегарачилар олий билим юрти катта ўқитувчиси

**Хусенов Ботир Рузимович** – Мудофаа вазирлиги Шимолий-Ғарбий ҳарбий округининг муҳандис-сапёрлар бригадаси батальони командири

**Чжен Эдуард Сам-Намович** – Ички ишлар вазирлиги Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Шамурадов Алишер Хамидуллаевич** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эшкулов Бахром Мажидович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 12 январь

---

САНОАТ

# Дастлабки қадам

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида 30 га яқин қўшма корхона ишламоқда. Туман ҳудудида лойиҳаси 22 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «ЎзСматана» Ўзбекистон—Словакия—Германия қўшма корхонаси тўлиқ қувватда иш бошлаш арафасида турибди. Айни пайтда корхонанинг қурилиш ишлари якунланиб, учта асосий цехлари ишга туширилган. Қолган цехларда эса асбоб-ускуналарни ўрнатиш, монтаж ишлари олиб борилмоқда. Агарда корхона 100 фоиз қувват билан ишга туширилса, у йилига 25 турдаги 750 минг дона сув аралаштиргичлар ишлаб чиқаради.

Корхонанинг Ўзбекистонда иш бошлашига қандай омиллар сабаб бўлди? Унинг кейинги истиқболи нималарда намоён бўлади? Ана шу каби саволларга ойдинлик киритиш мақсадида биз ушбу корхона иш фаолияти билан яқиндан танишдик.

Шу даврга қадар барча сантехника жиҳозлари фақат чет элдан катта валюта ҳисобига келтирилар эди. «ЎзСматана» қўшма корхонасининг ишга туширилиши эса ички бозоримизни ушбу маҳсулотлар билан тўлдирибгина қолмай, балки аҳолига арзон, ҳар жиҳатдан жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган, сифатли ва бежирим сантехника жиҳозларини етказиб беради. Ва яна шунингдек, республикамизга четдан валюта тушумининг кўпайишига ҳам олиб келади.

Корхонанинг бунёд бўлишида Ўзбекистон томонидан барча қурилиш ишлари олиб борилди. Асбоб-ускуналар эса Германиядан келтирилиб асосий кредит «Берлин банк» томонидан олинди. Шундай қилиб лойиҳанинг амалга ошишида Ўзбекистон томони 49 фоиз, Германия томони 21 фоиз, Словакия томони эса 30 фоиз ўз улушларини қўшди.

Корхонанинг кейинги истиқболи ва режалари тўғрисида корхона раҳбари Алишер Ҳусанов ўз фикрини шундай баён этади.

— Ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизнинг режа бўйича 50 фоизини чет элларга, 50 фоизини эса ўзимизда ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга сотишни мўлжаллаганмиз. Шу ўринда биз ички бозорни кенгроқ ўрганиш мақсадида Германиядан келтирилган шу турдаги маҳсулотларни цехимизда йиғиб, уни аҳоли эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Натижаси ёмон эмас. Хусусан, шу кунга қадар айрим корхона ва ташкилотлар билан бир нечта фьючур шартномалар ҳам тузишга эришдик. Масалан, 16-шаҳар касалхонаси билан 7,5 миллион сўмлик, «Комфорт» магазини билан 2 миллион сўмлик маҳсулотларга шартномалар имзоладик. Ўйлайманки, бу демак, корхонамизнинг истиқболи порлоқ эканлигидан дарак беради. Бу йилги режаларимиз, корхонамизнинг мунтазам ишлаб туришини таъминлаш ва халқимизга арзон, сифатли сантехника жиҳозларини етказиб беришдир.

**Очил ҲАЗРАТОВ.**

---

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

# Хизматларидан мамнун бўлишмоқда

**Бундан тўрт йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган «Аллергогаст—сервис» жамоаси шаҳримиз, қолаверса мамлакатимиз вилоятларидан келган юзлаб беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда**

Бу ерда нафас йўллари, ринит, бронхит, аллергик зотилжам, бронхиал астма, аллергик артрит, терининг аллергик дермитозлари, ҳашаротлар чиқишидан келиб чиққан аллергик хасталиклар муваффақиятли даволаниб келинмоқда.

Бизда аллергик касалликлар ташхисини аниқлашда ва даволашда, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор, жаҳон игна билан муолажа қўмитаси ICMARTнинг ҳақиқий аъзоси Эргаш Салимов, — уй-рўзғор, эпидермал, овқат, ўсимлик чанглари ҳамда бошқа аллергенларни қўйиб синаш усули кенг қўлланилади. Бу ерда иммун системанинг фаолиятини аниқлаб, даволаб реабилитация қилинади. Даволаш усули уч хил бўлиб, булар: дорисиз, махсус усулда, аралаш усул (дорисиз). Беморларни игна билан даволашга алоҳида аҳамият берилади. Зотан бу усул Шарқда кенг тарқалган бўлиб, ўзининг самарадорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Беморда биринчи ва иккинчи курсдан бошлаб ижобий томонга ўзгариш содир бўлади. Ўз вақтида ўтказилган муолажа эса юқори самара беради.

Шифокорнинг бу сўзларини «Таклиф ва истаклар» дафтарига дардларига шифо топган ҳамшаҳарларимизнинг ёзиб қолдирган дил сўзлари ҳам тасдиқлайди. Тошкент шаҳар, Қўйлиқ-5 даҳаси, 49-уй, 99-хонадонда турувчи Одинахон Боймирзаева шундай сўзларни ёзган:

— Ўғлимни бу ерга олиб келганимда нафаси сиқиб оғир аҳволда эди. Ўғлимни кўришиб даволай бошлашди. Ўғлим икки кундан кейин ўзини яхши ҳис қила бошлади. Ҳозир учинчи курсни олаяпмиз. Худога шукр, фойдаси жуда яхши.

1989 йили туғилган Мавлуда Хўжаева ўз дил сўзларини қуйидагича ёзади:

— Бу даргоҳга келганимда жуда оғир аҳволда эдим. Яшашдан умидимни узиш даражасига етиб келган эдим. Оллоҳга минг бор шукрлар бўлсинки, мени ҳаётга қайта қайтарган, соғлом инсонлар қаторига қўшган, илиқ ва самимий муолажалари билан кўнгилларни тоғдек кўтариб, тузалиш учун энг зарур бўлган ишонч туйғусини уйғота олган қўли енгил шифокор Маҳамаджон Эргашевичга ва «Аллергогаст—сервис» ходимларига ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман.

Бундай қалб сўзларини ўз дардларига шифо топган Пошшахон Отахўжаева, Қундузхон Толибхўжаева, Оксана Ягоньник, Дилфуза Маҳкамова, Владимир Кондор, Абдуқаюм Нишоновлар ҳам ёзиб қолдирганлар. Дарҳақиқат, шифокор учун беморнинг соғайишидан, унинг самимий миннатдорчилигидан ўзга қувончлироқ нарса йўқ. Бемор дардига малҳам бўлиш, уни тезда оёққа турғазиб юбориш «Аллергогастсервис» ходимларининг шиорига айланган.

**Анвар МАДРАҲИМОВ.**

---

ИҚТИСОДИЁТ

# Уч қитъа давлатларига

**Шаҳримизнинг «Кўкча» даҳасида бундан бир йил олдин ўз фаолиятини бошлаган «Кобул-Ўзбек Ко» Ўзбекистон - Жанубий Корея қўшма корхонаси иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган жамоалардан бири саналади.**



Бугунда корхонада 2450 нафар ишчи хизмат қилмоқда. Жанубий Кореянинг «Кобул текстайлз» деб номланган машҳур фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган ип калава ва бўз матосининг деярли 98 фоизи хорижий давлатларга сотилмоқда. Айниқса, бу рақобатбардош маҳсулотлар Италия, Германия, Голландия, Испания. Дания, Америка Қўшма Штатлари, Корея, Гонконг, Таиланд давлатларига экспорт қилинаётганлиги, «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан чет эллик харидорларга сотилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Корхонада янги ишчи ўринлари яратилиши билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Йилига 24.454 тонна ип-калава ва 9 миллион погонметр бўз мато ишлаб чиқариш лойиҳа қувватига эга бўлган корхонада илк фаолияти даврида ойига 500 тонна ип-калава ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб, 1500 тонна сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлинмоқда.

Тўғри, ҳали корхона тўла қувват билан ишлаётгани йўқ. Мақсад қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, тўла қувват билан ишлаш ҳисобига ойига 2.100 тонна ип-калава тайёрлашдир. Бу ерда меҳнат қилаётган маҳаллий кадрларнинг бир қисми Жанубий Кореяда ўқитилиб, махсус тайёргарликдан ўтишган, қолганлари шу ернинг ўзида ўқитилмоқда.

— Корхонамизда меҳнат қилаётган йигит-қизлар қисқа муддатларда ўз малакаларига эга бўлиб, хорижий дастгоҳларни мукаммал бошқаришмоқда, — дейди директор Йўлдош Полвонов. — Энг муҳими, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилаётганидир. Ҳозирги вақтда биз ойига 3 миллион долларлик маҳсулотимизни четга экспорт қилмоқдамиз. Ишлаб чиқарилаётган сифатли ип-калава жаҳон андозалари даражасига тўла жавоб беради. Келгусида эса ойига 5 миллион долларлик маҳсулотни четга сотишни мўлжаллаганмиз.

Жамоада иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, меҳнат аҳлига барча шарт-шароитлар яратилган. Иш жойларидаги қулайлик, технологик ускуналарнинг иш унумдорлиги юқорилиги, технологик режимларнинг назорат остида олиб борилиши, кадрлар масаласи — буларнинг барчаси сифатли маҳсулот тайёрлаш гарови бўлмоқда. Айни пайтда тайёрланган маҳсулот ер юзининг уч қитъасида жойлашган давлатларга экспорт қилинмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

***СУРАТДА:** корхона илғор ишчиси Муина Аҳмедова.*

---

ТАЪЛИМ

# Услубий семинар

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат техника университетининг ижтимоий гуманитар фанлар бўйича профессор-ўқитувчилари иштирокида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуида услубий семинар ўтказилди.

Семинар қатнашчилари «Миллий истиқлол ғояси» курсини талабалар ўртасида ўқитиш, ўргатиш ва тарғиб қилишга қаратилган хулоса, таклифларини баён қилиб факультетларда айнан шу соҳага бағишланган суҳбат-мулоқот соатларини, илмий-услубий семинарларни мунтазам ўтказишга келишиб олдилар.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

---

# Эртанги кун рекламаси

**Ҳозирги пайтда шаҳар ҳудудида жойлашган турли корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, фирмалар реклама соҳаси билан шуғулланмоқдалар. Айрим хўжалик юритувчи субъектлар умуман бу соҳадан узоқлашганлигини ҳисобга олиб, озгина бўлса-да тушунча беришни жоиз деб топдик.**

Умумий олиб қаралганда, реклама — даромад (фойда) олишга қаратилган маҳсулот (товар, иш, хизматлар) тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот ҳисобланади.

Рекламага асосий талаб истеъмолчига моддий, маънавий зарар етказмаслик, аниқ, ишончли, виждонли, давлатимиз қонуниятларига мос келишидир. Реклама хусусида шартнома тузиш, маҳсулот лицензиясини, ахборотнинг ишончлигини тасдиқловчи ҳужжатларни рекламани (тайёрлаш) тарқатиш ишларини бажарувчига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолда тақдим этилади. Маҳсулотга қизиқишни шакллантириш ва маҳсулот реализациясига кўмаклашиш учун маҳсулотнинг муайян маркаси (модели, артикули)га истеъмолчи эътиборини тортадиган даражада бўлиши лозим.

Замонавий бизнесда реклама — маркетингнинг энг кучли воситаларидан биридир. Мақсади — истеъмолчилар эътиборини фирма товарларига ва хизматига қаратиш, хусусияти эса, у маълум бир кишига эмас, истеъмолчилар гуруҳига йўналтирилган. Вазифасига келсак, янги пайдо бўлган товарга жалб қилиш, нархларнинг ўзгариши билан таништириш, объектларнинг қўшимча хизматлари ҳақида маълумот беришдан иборатдир. Реклама воситаларини танлашда реклама кимларга мўлжалланганлиги, яъни ёшлар учун телевидение орқали берилганда самарали бўлса, кекса ёшдаги одамларга газеталарда эълон қилиш фойдалидир. Рекламага кетадиган маблағ қиймати реклама воситасига ҳам боғлиқ бўлади.

Реклама «қуроллари» — ўлчам, ранг, шакл, мазмун ва услубидир. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунида таъкидланганидек, рекламани хоҳлаган тарзда эълон қилиш ноўриндир. Реклама ростгўй бўлиши керак. Истеъмолчида қизиқиш уйғонсин ва натижада у бирон янги нарсани билиб олганлигини ҳис қилсин. Реклама яхши матнга эга бўлиши катта аҳамият касб этади. Агар қонун моддалари доирасида тушунтирсак, барча хатти-ҳаракатлар енгил кўчади. Жумладан, табиатни муҳофаза қилиш объектлари доирасида ташқи рекламани жойлаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки тегишли давлат бошқарув органларининг ваколат доирасида улар билан келишилган ҳолда рухсат берилади.

Ижтимоий реклама эфир вақтининг камида 5 фоизи ҳажмида бепул жойлаштирилиши мумкин. Телерадио кўрсатув ва эшиттиришнинг ҳар бир соатига ажратилган вақти 10 фоиздан ошмаган ҳолда амалга оширилади. Даврий нашр эса бир сони ҳажмининг 40 фоизини ташкил қилиши, қолган реклама бепул илова тарзида қабул қилиши кўзда тутилган. Тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламаси тиббий, спорт, мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим муассасаларидан камида 200 метр, алкоголли ичимликлар рекламаси эса камида 500 метр нарида жойлаштирилиши лозим. Телерадиода эрталаб соат 7 дан кеч соат 22 гача тамаки маҳсулотлари ва қуввати 28 даражагача бўлган алкоголли ичимликлар реклама қилинмайди. Шу билан бирга газеталарнинг биринчи саҳифаларида, журнал муқоваларида реклама қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари, тиббий буюмлар, косметика ва маиший кимё воситаларини ва бошқа инсон соғлиғига зарар етказмайдиган маҳсулотларни ўрганиб, таҳлил қилиб, унга (масъул идоралар томонидан) реклама қилиш учун (бир марталик характерга эга бўлган) рухсатномалар бериб борилади. Бу тўғрисида Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси низом ишлаб чиққан.

Қонун моддаларининг амалда бажарилишини назорат қилиш монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади. Ушбу ваколатли давлат органи мансабдор шахслари реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг рекламага таалluқли ҳужжатлари, материалларини монеликсиз олишга ҳақлидир.

Аксил реклама, раддия берилаётган реклама эълон қилинган айни ўша оммавий ахборот воситаларида, айни ўша муддат, макон, жой ва тартибдан фойдаланган ҳолда берилади.

Монополияга қарши давлат органи қуйидаги ҳолатларда жаримага тортиши мумкин:

— аксил реклама беришдан бош тортганлик, нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаганлик учун юридик шахсларга — энг кам иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда, жисмоний шахсларга — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда;

— рекламага тааллуқли маълумотларни талаб қилинган даврда белгиланган муддатда тақдим этмаганлик учун юридик шахсларга — энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан эллик бараваригача, жисмоний шахсларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда;

— реклама тўғрисида қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларни ўз муддатида бажармаганлик учун юридик шахсларга — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда, жисмоний шахсларга эса — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима белгиланган.

**Иззатулла ЖОНИҚУЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ҳокимлиги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ходими.**

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

# Мовароуннаҳр фақиҳлари:

# Бурҳониддин БУХОРИЙ

**Бухоро заминини кишилар дунёга машҳур муҳаддис, ҳадисшунос олим Исмоил Бухорийдек улуғ зотнинг юрти сифатида билишади. Бироқ кўпчилик ушбу заминдан Ханафий мазҳабида кўзга кўринган забардаст фақиҳлар етишиб чиққанини, улар ўз асарлари билан Мовароуннаҳрда фиқҳ тармоқларининг ривожига улкан ҳисса қўшганларини билишармикин? Ана шундай ноёб мерос қолдириб кетган фақиҳ олимлар жумласига Бурхониддин Бухорий ҳам мансубдир. Ул зотнинг тўлиқ исмлари Маҳмуд ибн Садрус Саъид Тожуддин Аҳмад ибн Садрулкабир Бурхониддин Абдулазиз ибн Умар ибн моза Бурхониддин Бухорий.**

**Бурхониддин Бухорий ўз даврларида имомларнинг пешқадами, уммат фақиҳларининг кўзга кўрингани, тақводор зот, тавозеълик мужтаҳид, комил олим, фан ва адабиётда тенги йўқ инсон бўлганлар.**

## УСТОЗЛАРИ ВА АЖДОДЛАРИ

Бурхониддин Бухорий илмни ўз оталаридан, амакилари Садр Ушшахид Амрдан олганлар. Улар эса илмни ўз оталари Абдулазиз ибн Умар ибн Мозадан олишган. Бурхониддин Бухорийнинг оталари, амакилари, бувалари, боболари ҳаммалари «Судурул уламо»[1] деган номга сазовор бўлган забардаст олимлардан бўлиб Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби тарихида ўчмас из қолдиришган. Ўз навбатида Бурхониддин Бухорий ушбу анъанага содиқ қолиб ўз ўғилларини ҳам етук фақиҳ қилиб сабоқ берганлари туфайли ўғиллари Тоҳир ибн Маҳмуд ҳам ўз даврида Садрулислом деб тан олинди. Садрулислом – Исломда фахрли, етакчи олим деган маънони беради.

Машҳур олим Абдулҳай Лакнавийнинг келтирган маълумотларига кўра Бурхониддин Бухорийнинг бобоси Абдулазиз ибн Умар ибн Моза илмни Сарахсийдан олганлар. Абдулазизнинг илмларини Салжуқий Султон Санжар ибн Маликшоҳ юксак баҳолаб 495 ҳижрий йилда «Садр» деган унвонни берган.

Абдулазиз ибн Умар ўз замоналарида машҳур фақиҳ бўлганлар. Дунёни турли томонларидан бу одамдан илм олиш учун толиблар ташриф буюришганди. Ушбу шогирдлар қаторида Бурхониддин Бухорийни оталари Садрус Саид Тожуддин Аҳмад ва Бурхониддин Бухорийни амакилари «Кичик ва катта фатволар одобул қозийни шарҳи», «Жомиус сағирни шарҳи» номли китоблар муаллифидир. Бурхониддин Марғинонийнинг устози Садрус шаҳид Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза ҳам бор эди. «Таълимул мутааллим» китобини муаллифи Бурхонул Ислом Зарнужий айтишича, устозлари Бурхониддин Марғиноний ўз устозлари ҳақида айта туриб шундай деганлар: Абдулазиз ибн Умар ўз ўғиллари Тожуддин Аҳмад ва Умар ибн Абдулазизга ўзини кўп вақтини ажратарди. Ҳамма шогирдлар қатори дарс олиб бўлганларидан сўнг ҳам уларга яна қўшимча вақт ажратарди. Фарзандлар ёш бўлганликлари сабабли бироз малоллик кўрсатишса оталари «Оддий кишиларни ва амирларни фарзандлари ернинг турли бурчакларидан илм олгани келишади, сизлар улардан ортда қолмаслигингиз, балки пешқадам бўлишингиз зарур» деб уларда илмга бўлган рағбатни кучайтирардилар. Фарзандларини оқилона қилган тарбиялари туфайли забардаст олимлар бўлиб етишганлар.[2]

## БУРХОНИДДИН БУХОРИЙНИНГ АСОСИЙ АСАРЛАРИ

Бурхониддин Бухорий «Муҳитул Бурхоний», «Захира» (тўпланма), «Тажрид» (ажратиш), «Татимматул фатово», «Ал фатово», «Тариқатул Бурхония» (ҳужжатлаш йўли) асарларини ёзганлар. Шу билан бирга, «Жомиус сағир»га, «Зиёдот»га, «Одобул қозий»га ва «Виқоят»га шарҳ ёзганлар.

Машҳур олим Лакнавийнинг ёзишларича: «Захирани ўқиб чиқдим, уни аввали ҳамду сано, сўнг устозлари ҳаққига узун дуо билан бошлаганлар, ёзишларича устозлари китобининг ҳажми кичик бўлганлиги билан ҳидоятга бошловчи кўп ҳукмларни ўз ичига олган. Бурхониддин Бухорий ўзлари шундай ҳикоя қиладилар: «Ёш давримда, етуклик чоғимда, умрим ўрталарида мен турли китоблардан фатволарни йиғдим, Имом Муҳаммаднинг китобларидан «фиқҳий масалаларни олиб уларга «Ан наводир», «Зиёдот» китобида келган масалаларни қўшдим. Умрим охири Самарқандда турганимда ҳам ушбу китобларга янги фиқҳий фатво ва масалаларни машоихларимизни фиқҳий қарашларини қўшдим, сўнг қалбимга ушбу учта асосни синфларга ажратиб бир мажмуъга[3] олиб келиш фикри келди, уни жамладим ва «Захира» деб ном бердим».

Аллома «Захира» билан бир даврда Муҳитул Бурхонийни ҳам ёзишга қўл урган эдилар. Захирадан сўнг ушбу 40 жиллик асар ҳам ниҳоясига етган ва қўлёзма шаклида ўқувчиларга тақдим қилинган. Буюк ватандошимиз ҳақида ўқувчилар тўлиқроқ тасаввур олишлари учун уларнинг эътиборини Алломанинг ёзган китобларига қаратамиз.

## «ТАТИММАТУЛ ФАТОВО» (ФАТВОЛАРНИ ТЎЛДИРИШ) АСАРИ

«Татимматул фатово» асари тузилишига кўра, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, никоҳ, талоқ, иқрор, итоқ, иймон, савдо, ижара, ваколат, шаҳодат, одобуо қозий, даъво, жиноят, ҳудуд ва ўғрилик, ғасб ва зимон, гаров, сулҳ, мажбурлов, қочоқ қул, топилма, васият, шерикчилик билан олинган уйларнинг ўзаро тақсимоти, вақф, ичимликлар, ташлаб кетилган нарсалар, шерикчилик, музораба, экин-тикинлар, кафолат, ҳадялар, шуфъа, маъзун, ов ва сўйиладиган ҳайвонлар, сайр, хатар, рухсатлар каби мустақил китоблардан ташкил топган.

Бурхониддин Бухорий ўз асарларини «Татимматул фатово» деб атаганлари бежиз эмас. Чунки бу асарда ўша вақтда долзарб ҳисобланган масалалар билан бир қаторда фақиҳ олимлар олдида ҳал қилиш зарур бўлган, ҳали ҳеч бир фиқҳий асарларда қайд этилмаган муаммолар ҳам ўз аксини топган. Чунончи бу асарда «Қисма ва хайтон» номли мустақил бир боб (китоб) бор бўлиб, унда шериклик мавжуд бўлган ерларни, хонадонларни тақсимоти акс эттирилган. Тасаввур ҳосил бўлиш учун ушбу китобдан айрим парчалар келтирамиз.

Икки кишига тегишли ер мавжуд, улардан бири ўзаро тақсим қилиб беришни талаб қилди ва қозига мурожаат қилди. Шериги эса тақсимотдан бош тортди ва мен ўз тегишимни (насибамни) сотиб юборганман дея, савдо қилганлиги ҳақида ҳужжат кўрсатди. Бу ҳолатда тақсимотни тўсиб қўяётганлиги учун ҳужжати қабул қилинмайди. Чунки бу нарса ўз фойдаси туфайли биров учун тақсимот ҳуқуқини ботил қилмоқчи бўлди.

Агар бир ҳовлида жойлашган уй икки кишига тегишли бўлса, улардан бири тақсимотни талаб қилса, айни даврда иккинчиси бош тортса, бу ҳолда иккovлари аввалгидек ўз насибаларидан бемалол фойдалана олишадиган бўлишса (яъни тор бўлиб қолмаса) тақсимотдан бош тортувчини тақсимотга мажбур қилинади, агар уй тақсимотидан сўнг фойдалана олинмайдиган даражада тор бўлиб қолса уй тақсимланмайди. Агар тақсимлангандан сўнг улардан бирини тегиши фойдалана олинмайдиган даражада кичкина бўлиб қолса ва иккинчи одамни насибаси тақсимотдан сўнг катта ҳолатда қолса, шу ўринда кам насиба эгаси тақсимотни талаб қилса-ю катта насиба соҳиби бош тортса, у ҳолда катта насиба эгасига шериги учун яна насиба ажратишлик мажбур қилинади.

Бу фикрга Шаҳид Ҳоким ўз «Мухтасар»ларидаги фикрлари билан қўшилганлар ва бу ҳукмни Шайхул Ислом Жассос қўллаган. Аммо кам насиба эгаси талаб қилганда тақсим қилинмайди деб Сарахсий, Кархий, Таховий, Абу Лайслар фикр билдирганлар.

## ГАРОВ

Бу китоб 8 та бобни ўз ичига олиб, унда гаровга ашёнинг адолатли бўлмаган одамнинг қўлига қўйса нима бўлиши, гаровдаги ашё ўз қийматини йўқотиб қўйса нима қилинади каби саволларга жавоб берилган.

Имом Муҳаммад: гаров жоиз бўлади фақатгина қўлга келиб теккандан сўнг, деб гаров молини қўлда туришини гаровни жоиз бўлишига шарт қилган. Шайхул Ислом Хавохирзода эса гаров, ашёни қўлга келиб тушмасидан илгари ҳам жоиздир, аммо ашё гаровни кучга кириши учун шартдир деганлар.

Бурхониддин Бухорий фикрларича аввалгиси сахиҳроқ фикрдир ва Сарахсий ҳам бунга қўшилганлар. Чунки ашёни қўлга киритиш (яъни гаров чоғида гаровга қўяётган кишини қўлидан гаровга олувчини қўлига ўтиши) бу гаровни мукаммал бўлишига омилдир. Гаровнинг шартларидан бири шуки гаров моли мақсум (яъни тақсимотда ўша одамни чекига тушиб, фақат уни насибаси бўлиши) шарт. Умумга тегишли моллар Ханафий мазҳаби фиқҳлари наздида гаровга олинмайди фарқи йўқ, у мол тақсимотни қабул қиладими ёки йўқми «Зиёдот»да ҳам шундоқ дейилган ва бу ҳукмни Сарахсий ҳам олганлар.

«Татимматул фатово» китобида уламоларимиз, яъни Ханафий мазҳаби тарафдорлари дейилганда: Абу Абдуллоҳ ал Қалонисий, Муҳаммад ибн Салама, Абу Наср, Абул Қосим, Абу Бакр Аскоф, Абу Жаъфар тушунилади. Баъзи ўринда саҳоба: Абу Дардо ривоятлари келтирилган. Таховий шарҳларидан фойдаланилган.

## АЛ МУҲИТУЛ БУРХОНИЙ

Бурхониддин Бухорийни иккинчи бир фиқҳий асарлари бу Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида № 9532 рақами остида сақланаётган «ал Муҳитул Бурхоний» – яъни «Ҳужжатли муҳит» деб номланган. Бу китобни оғирлиги 25 кг атрофида бўлиб, ўлчами 50x35 см, 1241 бетни ташкил қилади.

Бу бебаҳо асар ўзида 62 та мустақил китобни жамлаган бўлиб, улар ибодат ва муомалот масалаларига бўлингандир. Бу асар бошқа асарлардан қолган фиқҳий асарларда кам учрайдиган мавзулари ва уларни ёритиш услуби билан фарқ қилади. Мисол учун умумга тегишли бўлган мулкдан фойдаланиш ҳолатлари, ёки никоҳда ёлғон ишлатилганда уни ҳукми, оқибатлари ҳақидаги боблар сўзимизга далил бўла олади.

Китобхонларда ушбу асар тўғрисида бироз тасаввур ҳосил бўлиши учун бир нечта китоблардан парчалар келтирамиз.

## ВАҚФ КИТОБИ

Бурхониддин Бухорий вақфни 26 бобда ифодалаган. Бу бобларда вақф қайси сўзлар билан жоизлиги, қайсиниси билан мукаммал бўлиши, қайси лафз иштирок этса вақф жоиз бўлмаслиги ва ҳоказолар берилган.

Агар бир киши айтсаки, мен буни абадий ҳолда садақа қилишга розиман ҳаётлик чоғимда ҳам, ўлганимдан сўнг ҳам ёки буни абадий вақф ҳолатида садақа қилишга розиман ҳаётлик ва ўлганимдан сўнг ҳам деса ёки буни абадий сақланган ҳолда вақф қилдим деса жоиз вақфга айланади ва мулк фақирларга ўтади. Агар вақф қилаётганда ҳаётлик чоғимда ва ўлганимдан сўнг демаса бу хусусда Абу Ханифа ва Абу Юсуф ва Муҳаммад турлича фикр билдирганлар.

Агар вақф қилувчи ушбуни садақаи вақф сифатида рози бўлдим деса ёки садақаи ҳибс (молни эгасини розилиги билан фақат вақф манфаатлари йўлида ишлатиш) қилдим деса-ю лекин абадий деган лафзни қўшмаса ҳам вақфга ўтади. Бундай ҳолда фақиҳлардан Жассос ва Басра уламолари ўтмайди, дейишган. Агар мискинларга вақф сифатида розиман деса ижмоъга кўра вақфга ўтади (моли вақф бўлади). Қоида бўйича, «абадий» деган сўзни қўшмаса вақф фоиз ҳисобланмаган, лекин бу ерда жоизлигига сабаб мискинлар абадий мавжуд бўлгандир (яъни ҳар замонда ҳам бўлганлар) шу туфайли вақф жоиз бўлаверади.

Зоҳир ривоятда зикр қилинганки вақфни жоиз бўлишини шарти Ханафий мазҳабида, вақфни изофа (боғлашликдир) қилишдир яъни ўлимидан кейинга ёки васият қилмоқликдир (вақфни). Агар ўлимидан сўнгга изофа қилмаса ёки васият ҳам қилмаса вақф сахих бўлмайди. Абу Юсуф ва Муҳаммад вақф сахих бўлади дейишган.

## ЗАКОТ КИТОБИ

Бу китоб 17 та бўлимни (боб) ўз ичига олиб уларда закот вожиблигининг кайфияти, сабаблари, закот молларининг баёни, шартлари ва ҳоказолар зикр қилинган.

Закотнинг вожиблигининг кайфияти ҳақида бўлим:

Абул Ҳасан Кархий ўз китобларида закотни тезда адо қилиш зарур деганлар. Бу фикрга Абу Юсуфнинг сўзларини ҳужжат қилганлар. Бу фикрни ал Ҳоким Шаҳид Мусаффо ҳам қувватлаганлар. Мунтақий айтишларича киши икки йил закот бермай (яъни албатта, закотга қодир кишилар ҳақида сўз кетяпти) юрса у гуноҳкор бўлади, Муҳаммад ибн Ҳасандан ривоятга кўра унинг гувоҳлиги ўтмайди. Чунки закотни кечиктириб юбориш мумкин эмас. Сабаби амр (яъни закот беринглар деб Қуръонда келган амр-буйруқ) уни адо қилишлик билан бажарилган ҳисобланади. Гарчи мутлоқ қилиб айтилган бўлса ҳам (яъни бирон вақтга, шароитга боғланмасдан айтилган бўлса ҳам) Закот фақир мискинларни ҳожатини қондириш учун фарз қилинганлиги сабабли тезда адо қилиш, қодир бўлган кишига вожибдир. Бу фикрга, Абу Бакр Розий, ибни Шужжоъ, Балхий ҳам қўшилганлар.

Умуман олганда Бурхониддин Бухорий ўз замонларида долзарб мавзуларни кенгроқ очишга ҳаракат қилганлар, фуруъ ул фиқҳ соҳасида шунчалик чуқур кетганларки, баъзи мутаассиб олимлар ул зотни китобларини ўқишдан қайтарганлар. Бу зотда фикр эркинлиги, мазҳабда ижтиҳод қилиш қобилияти мавжуд бўлган. Ҳозирда бу зотни асарлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Уларни ўрганиб аждодларимизни нақадар тафаккур, илм соҳиби бўлганлари билан фахрлансак арзийди.

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлари доктори,**
**профессор.**
**Суръат ИСХОҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг илмий ходими.**

[1] «Судурул уламо» – уламоларнинг раислари, етакчи пешқадамлари садр, яъни пешқадами деганидир.
[2] Фавоиду Бахия, 119-бет. Алихон Тўра Соғуний шахсий кутубхонаси.
[3] Мажмуа – яхлитлик.

ТАДБИРЛАР



# Ғолиблар аниқланди

**Илгари хабар бериб ўтганимиздек, «Маҳаллада соғлом муҳит – мактабда соғлом авлод» мавзуида шаҳар кўрик-мусобақаси олдидан туманлараро мусобақалар бўлиб ўтмоқда.**

Куни кеча Шайхонтоҳур тумани бўйича 324-, 192-, 137-, 320-, 84-мактаблар ўртасида мана шундай тадбир бўлиб ўтди. Ўқувчилар «Оила, маҳалла, мактабда ўқувчилар тарбиясида муаммо», «Мен ва менинг маҳаллам», «Соғлом авлод – юрт таянчи», «Она билан бола – гул билан лола», «Саҳнада биз севган клип-совға» шартлари бўйича беллашдилар.

Мусобақа иштирокчиларининг мавзуларга жиддий ёндошиб, фикрларини аниқ ва лўнда, чиройли ифода этишлари олаётган билимларининг чуқурлигидан, уларнинг ушбу танловга пухта тайёргарлик кўрганларидан далолат берди.

Мусобақада «Янгиобод» маҳалласида жойлашган 84-мактаб ўқувчилари ғолиб деб топилиб, шаҳар кўрик-мусобақасида қатнашиш учун йўлланма олдилар.

**Шоира МУХАМЕДОВА.**

**СУРАТДА: 84-мактаб ўқитувчиси Фарида Исабоева мусобақа қатнашчилари даврасида.**

**Равиль Альбеков олган сурат.**

# Кичкинтойлар байрами

**Шаҳримиздаги 45-гимназия мактабида «Хайр, Алифбе» деб номланган байрам бўлиб ўтди.**

Қатор тизилган ҳарфлар тилга киради. Улар оналар, она Ватан, соғлом авлод ҳақида шеър ва қўшиқлар айтишди. Алломаларимиз Алишер Навоий, Увайсий ва буюк бобомиз Амир Темур ғазалларидан, мақол, тез айтиш, топишмоқ ва ҳадислардан намуналар айтишди.

Даврага салобат билан «Алифбе» кириб келади ва «Ўқиш китоби»га ўз ўрнини бўшатиб бериб болажонлар билан хайрлашади.

Кечагина илм даргоҳига қадам қўйган фарзандларининг қисқа фурсат ичида олган билимларини, зукко ва ҳозиржавобликларини кўриб барча йиғилган ота-оналарнинг кўнгиллари тоғдек кўтарилди.

— 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб номланиши биз ўқитувчилар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Мирзабоева. — Келажагимиз давомчилари бўлган азиз фарзандларимизни ҳалол, пок, билимли қилиб тарбияламоғимиз лозим.

Байрамга ташриф буюрган «Тож» гуруҳининг шўх, қувноқ қўшиқлари болажонларга бир олам севинч бағишлади.

**Шоҳида МАҲМУДОВА.**

# Расмларда Ватан мадҳи

Яқинда енгил мебель саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг маърифат ва маданият марказида «Оналар ва болалар йили»га бағишланган болаларнинг «Ўзбекистон— Ватаним маним» мавзуидаги расмлар чизиш бўйича танловнинг финал босқичини ўтказди. Танлов болаларнинг тасвирий санъатга қизиқиши нақадар кучли эканлигини намойиш этиб, низомга биноан ёшига қараб учта гуруҳга бўлинган ҳолда 120 нафар боланинг 177 та ижод намуналари ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди ва ғолиблар финал босқичига йўлланма олдилар.

Танлов ғолиби — 12-14 ёшлилар ўртасида Назира Меҳдиева истеъдодли эканлигини намойиш этиб, Лена Евминова фахрли иккинчи ва Комила Тиллашайхова учинчи ўринни эгаллашди. Женя Захарова эса рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ.**



*Оила билан кечки сайрда.*

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## НИСЁННИНГ ЗАРАРИ

Биз Абдулла ака Носиров билан кўп йил бирга ишлаган эдик. У киши Шарқ қўлёзмалари билимдони, йирик библиограф олим бўлиб, институт ходимлари Абдулла акани «жонли қомус» дер эдилар. Мен у киши билан суҳбатлашиш учун ҳузурларига кирар ва ҳар гал янги бир маълумотларга эга бўлиб чиқардим.

**Абдуллака тирик қомус эдилар,**
**Илмгоҳга ору номус эдилар**
**Хазинага келган ҳар бир одамга,**
**Йўлни ёритувчи фонус эдилар.**

Бир куни олдиларига кирсам:

– Нисён нима? – деб сўраб қолдилар.

– Унутиш касали, – деб жавоб бердим.

– Баракалла, бу иллатнинг давоси нима? – деб сўрадилар. Елкамни қисдим. Ўзлари жавоб бердилар: – Хотира бузилишининг кучли давоси топилмаган, бироқ унинг бир давоси бор: бу – оддий қоғозу қалам. Қиладиган ишларингизни қоғозга ёзиб, кўзойнак қутисига солиб қўясиз. Хат ўқиш зарур бўлганда кўзойнакка эҳтиёж тушади, қутини очасиз, кўзингиз ёзувингизга тушади.

Сўнг, бироз жим қолди ва қўшиб қўйди:

– Хотираси бузилган, паришонхотир киши ўзидан кўра бировга кўпроқ зарар етказади.

Кекса кишилар тажрибага бой бўлишади. У пайтда бу устознинг сўзларига унча аҳамият бермаган эдим. Орадан бир неча йил ўтгач, бир воқеа юз берди–ю Абдулла аканинг ўша сўзлари ёдимга тушди. Бунинг тафсилоти шуки, ходимлардан бири билан Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» китобини форсийдан таржима қилиб, «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилаётган эдик. Асарнинг форсий қўлёзмаси ўша ходимнинг қўлида эди. Бир соатга олиб турдим. Қайтараётганимни қайта–қайта таъкидлаб қўлига бердим. Орадан бир ойча ўтгач, у киши олдимга кириб:

– «Ахлоқи Муҳсиний»ни олган эдингиз, таътилга чиқяпман, фондга топшириш керак, қайтариб беринг! – деб қолди.

Унга қайтариб берганимни қанча тушунтирмайин, олганим йўқ, деб туриб олди. Исботлашнинг иложи йўқ эди.

Бир неча кун хижолатда юрдим. Еб–ичганим татимас эди. Битта қўлёзманинг йўқолиши бир асарнинг дунёдан изсиз ўчиши билан тенгдир. Қайғу–ғамда қўлёзмалар фондига чиқдим. Фонд ходимларига воқеани айтиб бердим. «Хабаримиз бор» дейишди улар. Қўлёзманинг ўрнини қараб кўришди. Қўлёзма жойида эди. Маълум бўлишича, у киши барча китобларини топшириш учун фондга олиб чиққан, ходимлар қарзлар китобидаги «Ахлоқи Муҳсиний»ни ўчирмай туриб, жойига қўйиб юборишган экан.

**Ҳаётидан ношод одамдан қочгин,**
**Иши зулму бедод одамдан қочгин.**
**Кимдан аввал қочмоқ керакдур, десанг,**
**Хотираси барбод одамдан қочгин.**

## ЁЗУВЧИ ВА ОЛИМ

Акахон биродарим, ёзувчи Саъдулла Сиёевни қидириб нашриётга борган эдим. Унинг олдида машҳур ёзувчилардан бири ўтирган экан. Бу одам билан юзма–юз учрашмаган эдик. Мени таниб мақташга тушди.

– Сиз Шарқ маданияти хазинасини очиб бериб, улуғ ишлар қиляпсиз, – деди у.

– Сизнинг ишларингиз меникидан улуғроқ, – дедим унга, – қанчадан–қанча роман, қисса ва ҳикояларингиз босиляпти, халқ мириқиб ўқияпти.

– Тўғри, – деди у, – лекин менинг асарларимни юз марта ўқиса ҳам, бирор киши дардига дармон тополмайди. Сизнинг табобатга оид таржима асарларингиздан бир қаторини ўқиса ҳам, ўзига азоб бераётган иллатига даво топади ва жони ором олади. «Табобат хазинаси дурдоналаридан» деган китобингизга ўзингиз ёзган рубоийларини ҳам киритибсиз, чакки чиқмабди. Унда ҳам кони фойда. Янтоқтикон ҳақидаги рубоийингиз менинг ёдимда қолган.

Шундай деб, ўқишга тушди:

**Боғ ажиб манзара кашф айлаган чоқ,**
**Қарасам, гулзорга чиқибди янтоқ.**
**Бир тепсам, силкиниб, фарёд кўтарди:**
**– Бавосил дорисин топтама, аҳмоқ!**

– Мана шу рубоийнинг ўзи битта беморга йўлланма бўлади, унинг дарддан фориғ бўлишига сабаб бўлади.

– Тўғри, – дедим унга, – менинг ёзганларим беморнинг жисмидаги бирор дардга даво бўлиши мумкин. Сизнинг асарларингиз эса одамларга руҳий дармон бўлади. Жисм касаллигидан кўра руҳий касаллик ёмон. Демак, сиз ҳам одамларни руҳий томондан даволаётган экансиз.

Орага Саъдулла Сиёев аралашиб, баҳсимизга якун ясади:

– Демак ҳар икковингиз ҳам халқ учун фойдали иш қилаётган экансиз, икковингизга ҳам омад ёр бўлсин!

**Элнинг дарди билан куйсагина жон,**
**Ўша жондан чиқар ҳақиқий инсон.**
**Нонга боқ, тандирда ўзини ёққач,**
**Уни олқишлайди жумлаи жаҳон.**

## ТАЪЗИМ

Дунёда оққўнгил ва беғараз одамлар борки, сенинг қилаётган ишингга тўғри баҳо берадилар ва сени бу йўлда илҳомлантирадилар. Уларнинг сўзини эшитгач, руҳинг кўтарилади ва қанотингни янада кенгроқ ёзасан.

«Табобат уммонидан томчилар» номли китобимнинг чиқиши муносабати билан «Медицина» (ҳозирги Ибн Сино) нашриётига борган эдим. Бўлим бошлиғи Марҳамат Муслимовнинг олдига кирдим. Унинг ҳузурида сочлари оппоқ, қорачадан келган, гавдали бир киши ўтирган экан. Зикрилла Эгамбердиев деб таништирди Марҳамат ака. Мен бу одамнинг табобатга оид асарларини мактаб ёшидан буён билардим. Зикрилла ака кейинчалик ёзган ҳар бир китобларида менинг нашр қилдирган таржима асарларимдан кенг фойдаланар эдилар. Кўрганимдан хурсанд бўлиб кетдим. Бўлим бошлиғи мени ҳам таништирган эди, Зикрилла ака ўрнидан ирғиб туриб, гавдалари билан эгилиб, менга таъзим қилдилар. Бу улуғ ёшли ва машҳур кишининг таъзимидан жуда уялиб кетдим ва ўрнимдан туриб, мен ҳам қўлимни кўксимга қўйдим.

Зикрилла ака қаддларини ростлаб Марҳамат акага юзландилар:

– Марҳаматхон, мен ёзувчиман, 26 та китобим чиққан, аммо мен Маҳмуд Ҳасаний олдида таъзим қиламан!

Бу менинг ижодимга юқори баҳо, баҳо бўлганда ҳам холисона баҳо эди. Зикрилла ака шу сўзларни айтиб, қучоқларини очдилар ва мени бағриларига босдилар. Мен бундай муомалани ҳеч кимдан кўрмаган эдим. Шу куни дунёда мендан кўра бахтиёрроқ одам йўқ эди.

**Табассумдан жаҳон эриб кетади,**
**Дилхаста, дили қон эриб кетади.**
**Ширин сўзларингдан фақат инсонмас,**
**Инидаги илон эриб кетади.**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ.**

# Нонннинг ушоғи ҳам нон

## (Бўлган воқеа)

Халқимизда шундай гап бор. Нонни хор қилган одамнинг ўзи хор бўлади. Нон ҳақида гап борганда ҳамиша хаёлимда ёшлигимда отамдан эшитган бир воқеа жонланади.

– Қишлоқда яшардик, – ҳикоя қиларди отам, – ён қўшнимиз Қудрат ака оғир хасталик туфайли бевақт оламдан ўтди. Ёш болалари билан хотини қолди. Болаларни боқиш осон эмасди. Шуни назарда тутиб бу оилага биз ҳам, бошқа ҳимматли қўшнилар ҳам баҳоли қудрат ёрдамлашиб турар эдик. Баъзида эса болаларимиздан орттириб қўшнимиз бечорага илинадиган бир бурда нонимизни ҳам беролмасдик. Шундай вақтлар оч, юпун етимчаларни кўриб дил-дилдан эзилардик-у лекин қўлимиздан ҳеч нарса келмасди.

Қудрат аканинг аёли Каримахон ҳам ётиб қолди. Очлик, болалар ташвиши бечорани шу кўйга солди. Бир куни ярим кечада қўшни ҳовлидан чиқаётган болаларноласидан бутун маҳалла оёққа турди, ўша томон югурдик. Бечора Каримахон қўлида бир бурда нонни чангаллаганича унсиз ётарди. Шунда бу аёл бардошига ҳаммамиз тан бердик. Очлик қанчалик қийнамасин, ўша нонни ўзи емай болаларига илинганича оламдан ўтибди.

Орадан қанча йиллар ўтди ҳамки, ҳамон мана шу ҳикоя менга тинчлик бермайди. Очлик азобидан қийналаётган кичкинтойларноласига чора тополмай армон билан ҳаётдан кўз юмган ўша аёл қиёфаси ҳануз кўз олдимдан кетмайди.

Тўкинчилик замонда яшаяпмиз. Дастурхонимиз сербарака. Энг муҳими нон сероб. Лекин бор экан деб уни хор қилиш ҳам инсофдан эмас.

Яқинда бир ошхонада тушлик қилаётган эдим. Ёнимдаги стулга ясан-тусан бир жувон келиб ўтирди. Унинг 4-5 ёшлар чамаси боласи столдаги ликопчада турган бир бурда нонни олиб оғзига солди. Буни кўриб аёлни чаён чаққандек бўлди.

– Шуҳрат, ташла нонни, очофат. Қолдиқ нонни ҳам оғзингга соласанми?

Аёл тура солиб боланинг қўлидаги нонни юлқиб олдида ижирғаниб оёқ остига улоқтирди. Ёнимизда ўтирган қариянинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. У чаққон ўрнидан турди, бориб жувон улоқтирган нонни олди. Артиб тозалади, сўнг жувонга юзланди.

– Нонни шунақа хор қиласизми, қизим?

– Вой, тавба, тавба. Одамларга нима-я? Нега бировларнинг ишига бурнини суқаверишади? Буларга қолса ерда ётган нонни ҳам олиб оғзингга солсанг. Ахир қолдиқ нон билан тозасининг фарқига етиш керак-да, амаки. Гигиена деган сўзни тушунасизми?

Отахон индамай ўрнидан турди. Жувон томон яқинлашди.

– Гигиенани билмадиму, аммо нонни хор қилган одамнинг кўр бўлишини яхши биламан.

Чол бардам юриб чиқиб кетди. Аёл «нима» дея ғазаб билан унинг орқасидан тикилиб қолди. Кейин бу воқеаларга худди уни айбдордек уни савалай кетди.

– Бола бўлмай ўл. Сени деб исқирт одамлардан гап эшитдим.

– Болада нима гуноҳ?

– Ёш гўдакни урманг...

– Она ҳам шунақа бўладими?

Чекка-чеккадан эшитилган таъна-маломатларга жувон чидаб туролмади. Боланинг қўлидан юлқилаб ташқарига отилди.

– Нонни хор қилган кишининг хор бўлгани шу-да, – деди кимдир.

Кўчада кетаяпману, кўз ўнгимда бояги воқеа. Хаёлан танноз жувонни Каримахон опага таққослайман. Бордию ҳозир у ҳаёт бўлганида бу воқеани кўриб нима дерди?

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**




ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

# Ўзбекнинг аскияси бор бўлсин

**Ўзбек халқи қадимдан қачон, қаерда хушчақчақлик қилишни, дилкашлашишни ўрнига қўйиб келган. Бизда кулги турлари жуда кўп. Шулардан бири ва тез тафаккур қилишни тақозо этадиган мураккаб тармоғи аскиядир.**

Филология фанлари номзоди Расул Муҳаммадиев «Аския» китобида: «Ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанрларидан бири аскиядир. У кенг халқ оммасининг ҳаётини, меҳнат ва курашини, ўзаро муносабатларини, эстетика фалсафасини акс эттирувчи энг оммавий жанрдир. Сатира-юмор асосига қурилган аския инсон тафаккурининг ҳозиржавоблигини, зеҳн ўткирлигини, ақл-идрок донолигини билдиради, унинг негизида сўз ўйинлари, қочириқлар, чандишлар, киноялар, муболағалар ётади. Аския фикрлаш мусобақасидан иборат сўз санъати ҳамдир», – деган эди.

1977-1978 йилларда ҳар душанба куни ҳозирги Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида боғ директори Ўткир Тоҳиров ва чойхона мудири Абулқосим Тўйчиев бошчилигида санъаткорларнинг «Ижодий кечаси» ўтказилар эди. Бу кечада атоқли санъаткорлар мақом ва мумтоз ашулаларни ижро этишар, тошкентлик кўзга кўринган устоз аскиячилар Абдураҳмон ака, Қаюм ака, Нажим ака, ўрта бўғин аскиячилардан Айниддин Зайниддинов, Қодирхон Усмонов, Жамол Маҳсум Зайниддинов, Турсунбой Файзиев, Фозилжон Султонов ва Жалолиддин Раҳимовлар иштирок этишар эди. Санъаткор ва аскиячилар йиғилганларга холис хизмат қилишар эди. Халқимизнинг аскияга бўлган интилиши, қизиқиши ва меҳр-муҳаббати шу даражада кучли эдики, шинаванда улфатлардан бири чойхонага беш кун, бир ҳафта олдин келиб, битта сўрини банд қилиб, унга битта тош қўйиб кетар эди. Фақат шаҳар аҳолисигина эмас, вилоятлардан ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб автобусларда, ҳатто юк машиналарида ишқибозлар тўпланар эди. Жой етишмаганидан улфатлар ерга кигиз ёки шолча солиб давра қурар эди.

Боғнинг ёзги театр биносида ўтказилган аскиячилар мусобақаларида Фарғона водийсидан келган устоз аскиячилар Турсунбува Аминов, Ғойиб ака Тошматов, Абдуллахай маҳсум Қозоқов, Мамарозиқ ака Исҳоқов, Обил ака Норматов, Насриддин ака Мирзааҳмедов, тошкентлик аскиячилар Айниддин Зайниддинов, Қодирхон Усмонов, Фозилжон Султонов, Жалолиддин Раҳимовлар иштирок этишган эди. Аскияга бўлган ишқибозлик ниҳоятда кучли бўлгани учун ўриндиқлар лиқ тўлиб, унинг атрофида бир неча қатор шинавандалар тик турган ҳолда томоша қилган эди.

Моҳир сўз заргари, севикли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор: «Аския ҳозирги вақтда икки вазифага хизмат қилиши керак: бири – халқимизнинг янги ҳаёт йўлидаги мақсадини ва курашини ифода қилиши, иккинчиси – ҳаётимиздаги салбий ҳолатларни танқид қилиб, халқимизни эстетик томондан тарбиялаши зарур», – деган эди.

Дам олиш кунлари чойхоналардаги давраларда аския айтиб, қийқириб кулиб ўтирган ёшларни кўп кўрганмиз. «Гап»ларда, базмларда ва юбилей кечаларида ўртага чиқмаса ҳам гоҳ у столда, гоҳ бу столда гуруҳ-гуруҳ йигитларнинг аскияларини эшитганмиз. Камина раҳматлик Расул қори Мамадалиев ва Қаюм ака Иноғомовлар билан гоҳида гуруҳ бўлиб, баъзан яккама-якка аския айтиш шарафига муяссар бўлганман. Уларнинг ҳақиқий устозлиги шундаки, пайров давомида рақибига илҳом бериб, усталик билан йўл кўрсатиб, етаклаб, авайлаб аския қилишар эди. Рақиб кучли жавоб қайтарса қийқириб кулиб, чапак чалиб, сакраб олқишлашар эди.

Орадан йиллар ўтиб, энди чуқурроқ мулоҳаза юритсам, эндигина «темир қанот» бўлган рақибига янада баландроқ парвоз тилаб, аския соҳасида ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, шинавандалар орасида унинг ҳурматини орттириш учун атайлаб «йиқилиб берган» экан. Бугунги аскиячиларни тета-поя қадам ташлаб чиққан ёшларни «пачақлаб қўймаслиги»га ким кафолат бера олади.

Аския халқимизга олам-олам қувонч, кулги ва шодлик бахш этади. Собиқ иттифоқ даврида аскиячи саҳнага чиқишдан олдин режиссёр томонидан «Худо хоҳласа, Оллоҳ ёр бўлса деманг, динга алоқадор сўзларни ишлатманг, мана бу сўзни айтманг, ундоқ деманг, бундоқ деманг» каби кўрсатмалар билан жар ёқасига келтириб қўйилган ўзбекнинг аския санъати мустақиллигимиз туфайли янги-янги пайровлари, эркин фикрлари билан халқимиз хурсандчилигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.**



Сенга бир сўз айтаман. Равиль Альбеков олган сурат.

СИРЛИ ОЛАМ

# Биз билмаган жумбоқ

**1968 йили катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда турувчи Хефрен (биринчиси Хеопс) пирамидасини замонавий янги геофизик асбоблар ёрдамида америкалик физик ҳамда археолог олимлар тадқиқот қилдилар ва ЭҲМ ёрдамида олинган натижаларни кўриб беихтиёр ёқа ушладилар. Чунки ЭҲМда пирамидадаги махфий йўллар ҳамда унинг остидаги сағана тўғрисида керакли маълумот йўқ эди.**

Бу ҳам етмагандек юқори сифатли замонавий асбоблар ёрдамида худди оддий мактаб ўқувчиларига ўхшаб, пирамиданинг мутаносиблигини нотўғри ҳисобладилар. Бу воқеани шу гуруҳ иштирокчиси машҳур профессор Гонейд шундай изоҳлайди: «Бизнинг натижаларимизга пирамида ичидаги номаълум сирли «кимса» сездирмасдан таъсир кўрсатади. Нималигини исботлашга кучим етмайди. Балки пирамидада «яшаётган» сеҳргарлар ёки фиръавн руҳи таъсир кўрсатган бўлиши мумкин».

Қадимги мисрликлар жасадни мўмиёлаш тафсилотларини жуда мукаммал билганлар. Улар дунёда энг қаттиқ материал ҳисобланган (олмосдан кейин туради) ҳамда табиатда жуда кам учрайдиган нефрит тошини ўйиб, ванна ҳосил қилганлар ва бу ваннага ўзлари тайёрлаган мўмиё балзамини солганлар. Улар мўмиёланадиган танадаги ички аъзоларни олиб ташлаб, мушаклардаги тери билан суяк оралиғидаги барча суюқликларни махсус мослама орқали сўриб чиқариб ташлар эдилар. Шундай қилинмаса, жасад тезда чириб, ундан фақат склет қолар эди. Кейин жасадни балзам солинган ванна ичига қўйиб, устини ёпиб маълум вақт салқин, қоронғи жойда сақлаганлар, сўнг сағана ичига жасадни қуритиб қўйганлар.

Яқинда Готтинген шаҳрида жойлашган аналитик электрон микроскопия институтининг профессори, АҚШлик доктор Христиан Гродецкий жаҳонга машҳур бўлган амалий тажриба ўтказди. Яъни, у Қуйи Мисрдаги мақбаралар-нинг биридан топилган, эрамиздан аввалги XIV - XII асрларга тегишли бўлган, яхшигина сақланган мўмиёланган одам қўлини асл ҳолига келтиришга жазм этди. Доктор мисрликларнинг мўмиёлаш жараёнини жуда мукаммал билгани учун мўмиёланган қўлга икки ҳафта мобайнида махсус кимёвий суюқлик билан ишлов бериб, ҳажмини асл ҳолига келтирди. Бу ишлар натижасида қўлнинг мушаклари асл ҳолига келиб эластик, эгиладиган бўлди. Терига қўл тегизилганда эса юмшоқ майин тортиб, кафтдаги бармоқ бўғинлари букиладиган, қўлдаги кесилган ва ёрилган жойлар аниқ кўринадиган бўлди. Текшириш шуни кўрсатдики, бу қўл ҳаёт даврида кесилган экан. Қўл 20 минг марта катталаштирилганда ҳужайралар худди тирикдек эди. Яъни қон заррачалари, ҳужайралар, ингичка капилляр қон томирлари яққол кўриниб турар эди. Бу барча ҳужайралар тирик бўлиб, заҳарланган эди. Шунинг учун бу тажрибада иштирок этган барча ходимлар юзига махсус ниқоб, қўлларига қўлқоп кийиб, жуда эҳтиёткорлик чораларини кўриб ишладилар. Бу ишлар камида 3,5 минг йил илгари яшаган мисрликларнинг одам танасининг физиологик, анатомик ривожланиш жараёнини ҳамда жасадни узоқ муддатга чиримайдиган қилиб мўмиёлашни мукаммал билганликларидан дарак беради.

Ҳозирда тиббиёт илм-фани қанчалар ривожланганлигига қарамасдан қадимги мисрликлар билган сирнинг тагига етишга ожизлик қилишмоқда. Бу мушкул тилсимот ҳануз ўз ечимини топганича йўқ. Бу жумбоқ сирларини ким ечади, буниси ҳам ёлғиз Яратганнинг ўзига маълум.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД.**

БУ АЖИБ ДУНЁ

## Қадимий ибодатхона

**Хорватия ва канадалик олимлар ҳамкорликда 3 асрдан буён инсон қадами тегмаган қадимий диний ибодатхона марказини топишди.**

Ибодатхона Хорватиянинг Дубовик шаҳридан 100 километр узоқликда жойлашган ғордан топилди. Кўп йилдан сўнг биринчи бор ғорга ташриф буюрган археологлар унинг қоқ марказида томчилардан ҳосил бўлган улкан сталактитни кўришди. Ғор олимлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилгач, сталактит остида ибодатхона борлиги аниқланди. Қизиғи шундаки, бу жойдаги буддалар ҳайкал шаклида эмас, аксинча тепага қаратилган ҳолда айлана шаклда ганчланган устунлардан иборат экан.

Хорватия Антропология институти олими Стасо Каренбаер фикрига кўра, устунлардаги тасвирларда инсонларнинг жипслашуви ва ҳосилдорлик рамзи акс этган. Бир вақтлар бу жой Иллу халқининг муқаддас жойларидан ҳисобланган. Кейинчалик христиан дини кенг ёйилиши сабабли, яширин ҳолга келтирилган. Ибодатхонанинг бу аҳволда сирлигича қолиб кетганлиги ўша вақтда Иллу халқининг динга эътиқоди қай даражада эканлигидан далолат беради.

## Ҳосилдор картошка

**Свердлов вилоятининг қишлоқ туманларидан бирида яшовчи пенсионер Леонид Решетников ўз томорқасида бундай ҳосил битишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.**

4 кило картошкадан 2 центнер ҳосил кўтарса-я! Картошканинг бир донаси ярим кило тош босадиган бўлгунча чоли тушмагур тингани йўқ. Ҳали ўғитлаб, ҳали чопиқ қилиб, ҳали суғориб...

АПН агентлиги хабарида таъкидланишича, Леонид амаки ҳар бир картошкани 20 см. чуқурликда эккан. Жўякларнинг узунлиги эса 6 метр атрофида. Картошка пояси 20 см.га етганда ҳар бир пояга челаклаб сув қуйган.

Қарабсизки, чойнакдай-чойнакдай картошка. Леонид бобо сабзавотчиликда маълум ва машҳур синфдоши Павлик Морозовни ҳам йўлда қолдирди.

## «Тирилган» одам

**Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Яқинда Афина полицияси ҳибсга олган Н. исмли шахснинг аллақачон ўлиб кетган одамлигини билиб, ҳайратдан ёқа ушлашди. Тўғри, полиция ушлаган киши тирикликка тирик, лекин полиция идорасидаги ҳужжатларда бу одам ўн-ўн беш йил илгари Британияда вафот этганлиги қайд этилган экан.**

Аниқланишича, Н. жудаям «омадли ўлим» топган. Яъни унга нисбатан қотиллик ва фирибгарлик ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатилган пайтда унинг ўлими «юз берган».

Гап шундаки, Н. 1984 йилда юқоридаги жиноятларни содир этган ва жазодан қутулиш учун Юнонистондан яширин тарзда чиқиб кетган. Орадан кўп ўтмай, унинг хотини полицияга эрининг Лондонда вафот этганлиги ҳақидаги маълумотномани келтириб берган. Албатта, ўз-ўзидан Н.га нисбатан қўзғатилган жиноят иши ёпилади. 1996 йилда хотини вафот этгач, Н.Афинага қайтиб келади ва ўз уйида фарзандлари билан бирга умргузаронлик қилаверади.

Терговдан сўнг «марҳум» ўз найрангларини тан олишга мажбур бўлди. Н. бу «ўлим» унга тинч яшаши учун керак бўлганлигини, чунки ўша пайтларда атрофида ғанимлари кўпайиб кетганлигини рўкач қилмоқда. Ҳозирча суднинг хулосасини кутиб ўтиришга мажбур.

# Бир қайнови ичида гаплар

Бўр олиб келиб доскани ўчиринг!
**(Тил ўқитувчисининг навбатчига буйруғи).**

* * *

Ичинг, қанчалар мазали!
**(Радиодан берилган реклама).**

* * *

Йиғилганларнинг ҳаммаси: йиғлаган ҳам, йиғламаган ҳам йиғлади...
**(Пистафуруш кампирлар гурунгидан).**

* * *

Сигирдай хотинга атлас кўйлакни ким қўйибди?
**(Қўли калта эрнинг хотинига дегани).**

* * *

Таёқдай тўғри бўлишни сенга ким қўйибди.
**(Улфатлар гурунгидан).**

* * *

Қизнинг қаймоқдай овози ачишиб турган юрагимга малҳамдай ёқди.
**(Ошиқ йигитнинг ошнасига мақтаниши).**

* * *

Ҳаммангизни «Чимилдиқ»қа таклиф этамиз!
**(Радио эшиттиришни олиб борувчи бошловчи сўзидан).**

* * *

Шу кунларда шаҳар туманларида «Хаёлий туш» кўрсатиляпти.
**(Эълондан).**

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,**
**Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг катта ўқитувчиси.**



# «Балиқ» пайрови

**Ҳалқумим ҳалол бўлсин десанг, луқмаи ҳалолдан е.**
**Оталар гапи.**

**Сотволди Абдувоҳидов Маҳамаджон гармонга.** Тунов куни балиққа олиб боринг ака, деган эдингиз. Вақтим бор эди келавердим, **«Сазан»гиз** ўлмасин деб.

**Маҳамаджон ака.** Таомларнинг ичида балиқнинг ҳам инсон организмига фойдаси бор. Луқмаи ҳалол. Мен сиздан хавотирда эдим, бошқаларнинг гапига **«Лаққа»** тушиб қоласизми деб.

**Сотволди ака. «Қармоғим»га илиниб»** турибсизку, сизни бошқаларга бериб бўладими? Ўзимга тансиз, ўзимга, ҳа.

**Маҳамаджон ака.** Буни қаранг-а, балиқнинг яхшисига қачондан ақлингиз етадиган бўлиб қолди-а? Билдим-билдим, дарёга ташлаган тўризга тушганимдаёқ **«Тўр»ингизни йирта»** орқамга қочганимдан сўнг билдиз-а, чамамда.

**Сотволди ака.** Балиқхўр балиқнинг яхши-ёмонини билади. Мана сиз балиқни билмайсиз. **«Танга»**дай бўлса бас сизга.

**Маҳамаджон ака.** Сиз ўзингизни доно деб биласизми ҳали. Ҳе, **«Зоғора»**дек ялпаймай кетинг-е.

**Сотволди ака.** Оббо, **«Дўнг» «пешона-ей».**

**Маҳамаджон ака.** Сиз мени ҳали у деб, ҳали бу деб кўпам камситаверманг кўпчилик олдида, мен ҳам ўзимни сизга бир таниттириб қўймасам бўлмайди чоғи. Билиб қўйинг, **«Чўрт»** кесарларданман-а. Эҳтиёт бўлинг, эҳтиёт.

**Сотволди ака.** Бу гапиз билан мени қўрқита олмайсиз, ука. Биласиз-ку **«Тузлаб»** кетишимни-а?

**Маҳамаджон ака.** Мен сизни аллақачон **«музлатиб»** қўйганман-ку, **«эрияпсиз»** чоғи.

**Сотволди ака. «Сайра», «сайра»,** гулойим.

**Маҳамаджон ака.** Илгарилари туппа-тузук ақлли, хушли, зиёли одам эдингиз. Мен сизни ҳеч тасаввур қилолмаяпман ўша вақтдагидек. Ҳеч ойнага қарайсизми ўзи. Нима бўлди, ака? Бир ойнага қаранг-а, ўзингизни ўзингиз кўрибоқ **«А»-«куласизми»** йўқми, биласиз қўясиз. Суф, сизга-е.

**Сотволди ака.** Ойнага қарасам қарамасам, сиздан яхши кийинаман. Рангим ҳам тоза. Мени камситиб, жаҳлимни чиқараверсангиз, **«Мўйлов»им**ни икки ёнга бураб юбораман, шерикларим нақ сизни катта холангизникига жўнатишади.

**Маҳамаджон ака.** Ха, ха, ха. Бу сўз ўйини аския, аския орқали рақиблар бирбирини, ҳатто ўлдириб тирилтирадилар. Хафа бўлиш йўқ ака. Айтадилар-ку, **«Балиқ»** бошидан **«сасийди»** деб.

**Сотволди ака.** Балиқ-балиқ дейсиз, бир **«Хон»никини** ейсизми, хоҳланг қовуриб енг, хоҳланг сувда пишириб енг, сиз тўядигани асли ўша-да, ука.

**Маҳамаджон ака.** Тўйимли хонбалиқ денг. Раҳмат сизга, ака. Мен ҳам сизга энг яхши балиқлардан бирини олиб келган эдим, ўзимни акам деб, мана бу **«Оқ қайроқ»**дан еганмисиз ё ёш болалардай **«Килка»**га ўчмисиз?

**Сотволди ака.** Нима кўп, балиқнинг хили кўп. Бировнинг гапига кириб, шу лақмалигингиз туфайли ҳеч бирор марта **«Товон»** тўлаганмисиз-а?

**Маҳамаджон ака.** Нималар деяпсиз ўзи. **«Осетра»**сиз ҳар кимга туҳмат қилаверасизми? Яхши гапга йўқсиз ўзи. Ёмон гаплигингиз учун **«Кам»«бал»-а** деб, сизни саҳнадан тушириб юборишганда, ака.

**Сотволди ака.** Камбаланинг ҳам ўзига яраша мазаси бор. Ёмон балиқ эмас. Сизни четга балиққа олиб чиқсам, ҳар бир **«Амур»им**га чидармикансиз-а?

**Маҳамаджон ака.** Мана сизга балиқлар. Амр қилмасизданоқ олиб келдим. **«Амури»**си ҳам бор. Фақат ҳаммаси бутун балиқлар холос. Ё битта-биттадан **«қирқиб»** солайми, қозонингизга-а?

**Абдулла ТОЛИПОВ,**
**меҳнат фахрийси.**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акционерлик жамияти корхонанинг 133-63-06 рақамли**

**ишонч телефони**

**мавжудлигини билдиради.**

**«ТШТТ» мутахассислари Сизнинг маълумотларингизга катта эътибор билан ёндошишади ва шаҳар телефон тармоғи фаолияти тўғрисидаги барча саволларингизга батафсил жавоблар қайтарадилар.**

INTERNET

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акционерлик жамияти энг мақбул ва мувофиқ тарифлар бўйича янги технологиялар хизматларини кўрсатишни бошлайди.**

- *INTERNET – Dial-Up хизматлари*
- *E-mail электрон почтаси хизматлари*
- *WEB-сайтларни ташкил этиш*
- *WEB-сайтларни ОТ «ТШТТ» АЖ серверига жойлаштириш.*

**Хизматлар қиймати:**

| INTERNET – Dial-Up (соатига) | Электрон почта (соатига) |
| --- | --- |
| 32 кбит/с – 1026 сўм | 32 кбит/с – 694 сўм |
| 64 кбит/с – 959 сўм | 64 кбит/с – 580 сўм |
| 128 кбит/с – 860 сўм | 128 кбит/с – 506 сўм |

**Биз билан қандай боғланиш мумкин:**
**Телефон: (99871) 40-41-67; 40-16-60,**
**факс (99871) 40-00-81. E-mail: info @ tshtt uz, World Wide Web: http:/www. tshtt uz.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Себзор даҳаси (собиқ Марказ 17/18), 40-АТС. АҲМ.**
**TshTTнинг маркетинг бўлими – телефон: 55-77-17.**
***Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акционерлик жамияти.***

«ТУРКИСТОН» САРОЙИДА

**15, 16, 17, 18, 19 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ 18.00 да**

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг янги «Қор одам воқеаси» фожиавий комедия спектаклининг премьераси

ТОИР ЮНУС асари

Саҳналаштирувчи режиссёр – Маннон Уйғур номли Санъат институти режиссёрлик олий курсининг дипломанти

НОДИРА МАҲМУДОВА

*Саҳналаштирувчи рассом* – ***МАҲМУД САМИКОВ***

*Адабий бўлим раҳбари* – ***ҲАЙДАР МУҲАММАД***

РОЛЛАРДА: Теша Мўминов, Эркин Комилов, Хожиакбар Нурматов, Рихсивой Авазов, Маҳмуд Исмоилов, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Қаҳрамон Абдураҳимов, Пўлат Носиров, Тоҳир Саидов, Алишер Ҳамроев, Меҳриддин Раҳматов, Ихтиёр Аҳмадалиев.

**Спектаклнинг бадиий раҳбари** – Сергей Каприелов

**Режиссёр ёрдамчиси** – Омина Тўрақулова



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2007. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди